



ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАР ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Маматов Бахадир Сафаралиевич -
Тошкент молия институтини, Суғурта ва
пенсия иши кафедраси мустақил изланувчиси,
иқтисод фанлари номзоди, доцент

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a39

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган ва соҳадаги мавжуд муаммолар аниқланган. Илғор хорижий тажрибалари асосида уч даражали пенсия таъминоти тизимини жорий қилиш, бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, ёшга доир энг кам пенсия миқдорларини минимал истеъмол харажатларига мувофиқлаштириш, боқувчисини йўқотганлик пенсияларини тайинлаш ҳамда пенсияларни ҳисоб-китоб қилиш тартибини такомиллаштириш, пенсия тайинлашда иш стажини ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган ва уларнинг ечими юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: пенсия, пенсия таъминоти, пенсия таъминоти тизими, пенсия модели, иш стажини, пенсия миқдори, пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори, қопланиш коэффициенти, пенсия тизими даражалари, минимал истеъмол харажатлари.

ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СИСТЕМЫ ПЕНСИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ГРАЖДАН В УЗБЕКИСТАНЕ

Маматов Бахадир Сафаралиевич -
Кандидат экономических наук, доцент, самостоятельный
соискатель кафедры Страхование и пенсионное дело
Ташкентского финансового института

Аннотация. В статье анализируется современное состояние пенсионной системы Республики Узбекистан и выявленные в ходе исследования существующие проблемы в этой сфере. Изучены вопросы по внедрению трехуровневой пенсионной системы на основе передового мирового опыта, обеспечению финансовой устойчивости внебюджетного Пенсионного фонда, согласованию размеров минимальной пенсии по возрасту с минимальными потребительскими расходами, усовершенствованию порядка назначения и расчета пенсий по случаю потери кормильца, совершенствованию порядка учета стажа работы при назначении пенсий и на основе них разработаны научно обоснованные предложения и рекомендации по их решению.

Ключевые слова: пенсия, пенсионное обеспечение, система пенсионного обеспечения, модель пенсионного обеспечения, стаж работы, размер пенсии, базовый размер расчета пенсии, коэффициент покрытия, уровни пенсионной системы, минимальные потребительские расходы.

WAYS TO IMPROVE THE PENSION SYSTEM PROVISION OF CITIZENS IN UZBEKISTAN

Mamatov Bakhadir Safaralievich -
Candidate of Economic Sciences, Associate Professor,
Independent Competitor of the Department of Insurance
and Pensions of the Tashkent Financial Institute

Annotation. The article analyzes the current state of the pension system of the Republic of Uzbekistan and the existing problems in this area identified during the study. The issues of introducing a three-tier pension system based on world best practices, ensuring the financial stability of the off-budget Pension Fund, coordinating the size of the minimum age pension with minimum consumer expenses, improving the procedure for assigning and calculating survivor pensions, improving the procedure for accounting for work experience when assigning pensions, and based on them, scientifically sound proposals and recommendations for their solution were developed.

Key words: pension, pension provision, pension provision system, pension provision model, work experience, pension amount, basic pension calculation amount, coverage ratio, pension system levels, minimum consumer expenses.

Кириш. Халқаро меҳнат ташкилоти (International Labour Organization)нинг 2020-2022 йилларда бутунжаҳон ижтимоий ҳимоя бўйича ҳисоботида қайд этилишича, «Барча ижтимоий тўловлар таркибида пенсиялар, айниқса, кексалар орасида камбағалликни камайти-

ришда муҳим рол ўйнайди ва аксарият пенсионерларнинг ягона даромад манбаидир»[1]. Шунингдек, «қўпгина мамлакатларда бадаллар миқдори ўз мажбуриятларини бажариши учун етарли эмаслиги сабабли пенсия тўловларини молиялаштириш Давлат бюджетига тобора кўп-

роқ боғлиқ бўлмоқда ва дефицитни қоплаш харажатлари ялпи ички маҳсулотнинг 1 фоизидан 5 фоизигача ташкил этади»[2]. «Айни пайтда жаҳон миқёсида пенсия ёшидагиларнинг 77,5 фоизи ёшга доир пенсия билан таъминланган» [3]. Дунё мамлакатларида пенсия таъминоти тизимини ижтимоий таъминотнинг минимал ҳалқаро меъёрларига мослаштириш ва ижтимоий-иқтисодий адолат принципларини таъминлашга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Мазкур тадқиқотларда пенсия ёшини ошириш, муносиб пенсия миқдорларига эришиш, пенсия тайинлашда иш стажини ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш, пенсия тўловларини самарали молиялаштириш, пенсия фондларининг инвестицион фаолиятини кучайтириш каби масалалар ўз ечимини топган. Шунингдек, ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштириш, пенсия тайинлаш тизимининг шаффофлигини ошириш, пенсияларни ҳисоблаб чиқариш тартибини такомиллаштириш ҳамда кўп даражали пенсия тизимини жорий қилиш масалалари пенсия таъминоти тизими тараққиётини таъминлашнинг муҳим йўналиши сифатида белгиланган. Аммо, пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, пенсия миқдорларини минимал истеъмо ҳаражатларига мувофиқлаштириш, пенсиянинг базавий миқдорини аниқлашни такомиллаштириш, ўқувчиларга боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тўлаш, аёлларга пенсия тайинлашда бола парваришида бўлган даврни ҳисобга олишни такомиллаштириш, хусусий пенсия фондларини ташкил этиш, жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш, пенсия ёшини ошириш билан боғлиқ масалалар ҳанузгача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Адабиётлар таҳлили. Иқтисодчи олимлар томонидан пенсия таъминоти тизими, унинг тарихи ва тараққиёти, ривожлантириш йўналишлари, пенсия моделлари турлича талқин қилинаётганини таъкидлаб ўтмоқ лозим. Пенсия атамаси латинча «pensio» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «тўлов»[4] маъносини англатади. Эрамиздан аввалги I асрда қадимги Римда биринчи марта ҳарбий хизматни ўтай олмайдиган кекса ёшдагиларга ва жангларда жароҳат олган ҳарбийларга пенсиялар – мунтазам тўловлар жорий этилган. Кўплаб манбаларда пенсиялар Г.Ю. Цезар томонидан ҳарбийлар учун ўйлаб топилганлиги қайд этилган» [5].

Аризона университети профессори Jun Peng тадқиқотларида пенсиялар пенсионерларнинг даврий даромадлари, кечиктирилган тўловлар, фуқаронинг меҳнатга лаёқатсизлиги туфайли йўқотилган иш ҳақи учун компенсация эканлиги қайд этилган ҳамда ижтимоий ҳавфсизлик нуқтаи назаридан талқин қилинган [6].

Ижтимоий суғурта соҳасида йирик олим В.Роикнинг фикрича, пенсиялар фуқароларга кексаликда, ногиронликда, боқувчисини йўқотганида моддий жиҳатдан таъминланмаслик risksидан ижтимоий ҳимоя қилишнинг муҳим шакли бўлиб, йўқотилган иш ҳақи (даромади)нинг бир қисмини қопланишига мўлжалланган ойлик пулли тўловлардир. Бу эса фуқароларнинг кексалик даврида яшашлари учун етарлича шарт-шароитлар яратилишини ёки уларнинг ижтимоий ҳавфсизлиги таъминланишини англатади.

О. Бисмарк томонидан яратилган пенсия модели[7] (Бисмарк модели – pay-as-you-go) «авлодлар бирдамлиги»га асосланган «тақсимланувчи» пенсия тизимини назарда тутди, яъни ҳозирги пенсионерларнинг пенсияси ҳозирги ишлаётган авлод томонидан тўланади. Бироқ, ўша даврларда жами аҳоли таркибида кексалар сони катта улушга эга бўлмаган ва давлат томонидан уларни пенсия билан таъминлашда молиявий муаммолар ҳам юзага келмаган. Ушбу модел эса демографик омилларга тўғридан-тўғри боғлиқдир.

У.Беверидж томонидан яратилган модел эса ижтимоий соҳада давлатнинг ролини кучайтириш зарурлигини назарда тутди. Унинг асосчиси Англиялик иқтисодчи, 1942 йилда Буюк Британияда ижтимоий суғурта тизимининг асосларини яратган У.Г. Беверидж ҳисобланади. Унинг фикрича, оилалар учун ижтимоий нафақалар (ёрдам), миллий соғлиқни сақлаш тизими давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилиши зарур, аммо, ижтимоий ҳимоянинг бошқа тадбирлари иш берувчилар ва ишчилар ҳамда давлат субсидиялари ҳисобидан ажратмалар асосида амалга оширилиши керак. Беверидж моделининг ўзига хос хусусияти: давлат – барча аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кафолатлаши; иш берувчи – ёлланма ишчиларнинг ижтимоий суғуртасини амалга ошириши; ишчи – қўшимча шахсий суғурталашни амалга ошириши зарур.

Сўнгги йилларда ҳимоя қилинган диссертацияларда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва ошириш[8], нодавлат пенсия таъминоти ва инвестицион фаолликни ошириш[9], пенсия тизими даромадларини ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга самарали сарфлаш[10], фуқаролар ёшига доир пенсия таъминотининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштиришнинг[11] айрим жиҳатлари тадқиқ этилган. Юқоридаги иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида, айнан, фуқаролар пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш муаммоларини ўрганишга кенг эътибор қаратилмаган ҳамда амалдаги меъёрий ҳужжатларнинг пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш

шароитига мувофиқ ўзгариб бориши ушбу соҳада чуқур илмий изланишлар олиб бориш лозимлигидан далолат беради.

Тадқиқот методологияси. Мақолада тизимли таҳлил ва ёндашув, мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, умумлаштириш, эксперт баҳолаш ва прогнозлаштириш, ўзаро ва қиёсий таққослаш усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Куйидаги 1-жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш асосида куйидаги бир неча муҳим хулосаларни чиқариш мумкин:

– 2010-2021 йиллар давомида иқтисодиётда бандлар сони 17 фоизга ўсган бир пайтда пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сонининг ўсиш даражаси 24,2 фоизга тенг бўлган;

– худди шу даврда 55 ёшдан ошган аёллар ва 60 ёшдан ошган эркаклар сонининг ўсиш даражаси 80,4 фоизга тенг бўлган;

– демак, кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган давр мобайнида 55 ёшдан ошган аёллар ва 60 ёшдан ошган эркаклар сонининг ўсиш суръатлари пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сонининг ўсиш суръатларидан юқори бўлган, бир вақтнинг ўзида пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сонининг ўсиш суръатлари

иқтисодиётда бандлар сонининг ўсиш суръатларидан юқоридир;

– шуни алоҳида қайд этиш керакки, 2010-2021 йиллар давомида 55 ёшдан ошган аёллар ва 60 ёшдан ошган эркаклар сонининг ўсиб бориши қатъийлик (барқарорлик) характерига эга. Чунки бундай динамика шу оралиқдаги йилларнинг барчасида кузатилади;

– 2010-2021 йиллар мобайнида барча омилларнинг таъсири остида тайинланган ўртача ойлик пенсия миқдори 5,38 мартага ўсган бир шароитда ўртача ойлик иш ҳақи 6,34 мартага ўсган, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг ўсиш суръатлари тайинланган ўртача ойлик пенсия миқдорининг ўсиш суръатларидан юқори бўлган;

– худди шу даврда жами пенсионерлар таркибида тўлиқсиз стаж билан пенсия олувчилар салмоғи 26,5 пунктга ёки 10,8 мартага ошган.

Умуман, пенсионерлар сонининг ўсиб бориши аҳолининг табиий кўпайиши даражасининг юқорилиги ҳамда умр кўриш даврининг узайиб бораётганлигини кўрсатади. 1991-2020 йиллар давомида, яъни 30 йил ичида туғилишлар сони 16,4 фоизга ошган [12].

1-жадвал

Миллий пенсия таъминоти тизимининг асосий кўрсаткичлари [13]

№	Кўрсаткичлар	2010 йил	2021 йил
1.	Жами аҳоли, минг киши	28 001,4	34 558,9
2.	Иқтисодий фаол аҳоли, минг киши	12 286,6	15 022,8
3.	Иқтисодиётда бандлар сони, минг киши	11 628,4	13 609,1
4.	Пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сони, минг киши	3 265,8	4 056,8
5.	55 ёшдан ошган аёллар сони, минг киши	1 336,7	2 393,1
6.	60 ёшдан ошган эркаклар сони, минг киши	728,3	1 331,5
7.	Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда	504,8	3 200,0
8.	Тайинланган ўртача ойлик пенсия миқдори, минг сўмда	171,9	924,7
9.	Ўртача умр кўриш давомийлиги, йилда (ёш)	73,0	74,6

Аҳоли умр кўриш даврининг узайиб бориши билан пенсия олувчилар сонининг табиий равишда кўпайиши Пенсия жамғармасида уларнинг молиявий таъминотини амалга ошириш учун етарли миқдорда молиявий ресурслар (даромадлари) бўлишини тақозо этади. Сўнгги йилларда солиқ тизимидаги ислохотлар натижасида 2019 йил 1 январдан[14]:

– фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушлаб қолинадиган суғурта бадаллари бекор қилинди (2019 йилгача фуқароларнинг ойлик даромадидан 8 % миқдорда суғурта бадали тўланган);

– давлат мақсадли жамғармаларига юридик шахсларнинг обороти (тушуми)дан ундириладиган мажбурий ажратмалар бекор қилинди (корхона 3,2 % миқдорда мажбурий ажратма


амалга оширилган, жамғармага улуши 1,5% ташкил этган);

– хусусий корхоналар, шунингдек устав жамғармасида давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган юридик шахсларга ягона ижтимоий тўлов ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди.

Шунингдек, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб Пенсия жамғармаси ҳисобига тўланган ягона солиқ тўлови суммаси маҳаллий бюджетларига ўтказилди ҳамда 2020 йил 1 январдан бошлаб давлат корхоналари, давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахслар ҳамда уларнинг таркибий тузилмалари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди[15]. Натижада Пенсия жамғармаси даромадларини шакллантириш манбаларининг 3 та йўналиши бекор қилинди, айримлари

қисқарди. Агар 2010-2018 йилларда Пенсия жамғармасининг ўз даромадлари пенсия тўловларини молиялаштириш учун етарли бўлган бўлса, 2019 йилдан бошлаб Пенсия жамғармаси бюджетида дефицит юзага келган. Пенсия жамғармаси даромадларини шакллантиришдаги

жиддий ўзгаришларни ҳамда 2019-2028 йиллар мобайнида йилига ўрта ҳисобда 335297 нафар фуқарога янги пенсиялар тайинланишини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, дефицит даражаси ўсиб бориш тенденциясига эга бўлмоқда (1-расм).



1-расм. 2019-2028 йилларда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари, харажатлари, дефицитнинг прогнози ва ўзгариш тенденцияси (трлн. сўмда) [16]

Бу эса Пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигининг таъминланиши учун Давлат бюджетидан молиявий қўллаб-қувватланишини тақозо этади.

Ҳозирги иқтисодий ривожланиш шароитида пенсия тизими самарадорлигининг асосий мезони бўлиб, қопланиш коэффициентининг

даражаси ва демографик омилларни ҳисобга олган ҳолда пенсия таъминоти учун Давлат харажатларининг ЯИМ ҳажмидаги улуши ҳисобланади. Пенсия тизимининг самарадорлигини аниқлаш коэффициентлар таҳлилига асосланади ва қуйидаги формула орқали ҳисоблаб чиқиш мумкин:

$$C = \frac{K_k}{D_x} \times \frac{P_c}{I_c} \quad (1)$$

Бу ерда:

C – пенсия тизимининг самарадорлик коэффициенти;

K_k – қопланиш коэффициенти (% да);

D_x – пенсия тўловлари учун давлат харажатлари (ЯИМга нисбатан % да);

P_c – пенсионерлар сони;

I_c – ишловчилар сони.

Ушбу формула мамлакатнинг мураккаблашиб борувчи демографик ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдаги пенсия таъминоти-

га давлат харажатларининг бир бирлиги ҳисобига яратиладиган пенсия миқдорини акс эттиради. Унинг даражаси қанчалик юқори бўлса, пенсия тизими умр кўриш даврининг узайиши ва пенсия харажатлари даражасининг ўсиши шароитида пенсионерларнинг турмуш даражасини сақлаб қолиш бўйича вазифаларни оптималлаштиришни нисбатан самарали ҳал эта олади. Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич даражаси 1,46 га тенг:

$$C = \frac{28,9}{4,98} \times \frac{3424,6}{13538,9} = 1,46 \quad (3)$$

Бундай натижа Ўзбекистонда пенсия тўловлари учун давлат харажатларининг юқорилиги шароитида қоплаш коэффициенти даражасининг нисбатан пастлигини кўрсатади ва пенсия тизимининг самарадорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолатдир. Мазкур кўрсаткичнинг даражаси ривожланган мамлакатларда (Исландияда – 7,44, Канадада – 3,96, Данияда – 3,51, Австралияда – 3,19) анча юқоридир [17]. Бунинг асосий сабабларидан бири ушбу мамлакатларда самарали бўлган кўп даражали


пенсия тизими амал қилади ва шу ҳисобига қоплаш коэффициенти 45-65 фоизни ташкил этади. Шунинг алоҳида қайд этиш зарурки, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) томонидан қабул қилинган «Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида»ги 102-сонли Конвенция ҳамда Европа ижтимоий таъминот кодексида барча мамлакатлар пенсионерлар учун ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрларига эришиш лозимлиги кўрсатилган (2-жадвал).

Халқаро меъёрларига мувофиқ пенсия миқдорларининг минимал стандартлари [18]

Стажга нисбатан талаблар		Қопланиш коэффициенти (илгари олинган даромадига нисбатан моддий тўлов миқдори)		
		Ёлғиз пенсионер учун, % да	Қарамоғида бўлган пенсионер учун, % да	
Халқаро меҳнат ташкилотининг 102-сонли Конвенцияси, 1964 й.	Европа ижтимоий таъминот кодекси, 1990 й.	Европа ижтимоий таъминот кодекси, 1990 й.	Халқаро меҳнат ташкилотининг 102-сонли Конвенцияси, 1964 й.	Европа ижтимоий таъминот кодекси, 1990 й.
Ёшга доир пенсия				
30 йил давомида бадалларни тўлаш ёки иш билан банд бўлиш ёхуд мамлакатда 20 йил давомида яшаш	40 йил давомида бадаллар тўлаш ёки меҳнат фаолияти билан банд бўлиш ёхуд мамлакатда яшаш	50	40 (пенсия ёшидаги эркак киши ва унинг турмуш ўртоғи учун)	65 (пенсия ёшидаги эркак киши ва унинг турмуш ўртоғи учун)
Ногиронлик пенсияси				
15 йил давомида бадаллар тўлаш ёки иш билан банд бўлиш ёхуд мамлакатда 10 йил даомида яшаш	15 йил давомида бадаллар тўлаш ёки меҳнат фаолияти билан банд бўлиш ёхуд мамлакатда яшаш	50	40 (эркак киши турмуш ўртоғи ва икки нафар фарзанди билан)	65 (эркак киши турмуш ўртоғи ва икки нафар фарзанди билан)
Боқувчисини йўқотганлик пенсияси				
15 йил давомида бадаллар тўлаш ёки иш билан банд бўлиш ёхуд мамлакатда 10 йил даомида яшаш	15 йил давомида бадаллар тўлаш ёки меҳнат фаолияти билан банд бўлиш ёхуд мамлакатда яшаш	50 (бева аёл учун)	40 (бева аёл учун)	65 (бева аёл, икки нафар фарзанди билан)

Ижтимоий таъминотнинг минимал халқаро меъёрларига кўра, пенсия тизимида қопланиш коэффициенти 40 фоиздан кам бўлмаслиги тавсия этилган. Аммо, Ўзбекистонда 2010 йилдан то 2021 йилгача бўлган даврларнинг бирортасида ҳам пенсия тизимида қопланиш коэффициенти 40 фоизлик даражани қайд этмаган. Жумладан, 2010-2021 йиллар давомида ушбу


коэффициент ўртача 35,4 фоизни ташкил этиб, талаб этилган халқаро меъёрдан 4,6 ф.п.га кам (2-расм). Ушбу ҳолат ҳанузгача муносиб пенсия миқдорларига эришилмаганлигини кўрсатади ва пенсионерларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш нуқтаи назаридан салбий омилдир.



2-расм. Пенсия тизимида қопланиш коэффициенти [19]

Пенсия тизимида қопланиш коэффициенти мавжуд ҳолати тайинланган пенсия миқдорларининг ҳам кичиклигини кўрсатади. Пенсия миқдори, энг аввало, иш стажи даврига боғлиқ бўлиб, эркаклар – 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда ҳамда аёллар – 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар [20]. Аммо, Ўзбекистонда 2010 йил 1 январь

ҳолатига иш стажи тўлиқ бўлмаган пенсия олувчилар сони жами пенсия олувчиларнинг 2,7 фоизини ташкил қилган бўлса, 2021 йил 1 январга келиб, 29,2 фоизга етган, яъни 2010-2021 йиллар давомида жами пенсионерлар таркибида иш стажи тўлиқ бўлмаган пенсия олувчилар салмоғи 26,5 пунктга ёки 10,8 мартага ошган (3-расм).



3-расм. Иш стажига тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсия олувчиларнинг жами пенсионерлар таркибидagi салмоғининг ўзгариши (фоиз ҳисобида) [21]

Бундай ўсишни, асосан, ишловчилар ва иш берувчилар томонидан Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланмаслик ҳамда корхоналар томонидан иш стажига ва иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар архив идораларига топширилмаганлиги билан асослаш мумкин. Бир вақтнинг ўзида бундай ҳолат бошқа омилар билан бир қаторда (норасмий ишсизлик ва бошқ.) мамлакатда ўртача пенсия миқдорининг ҳам камайишига олиб келган. Чунки, амалдаги қонунчиликка кўра, пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар мавжуд стажга мутаносиб миқдорда ҳисоблаб чиқилади. Оқибатда, кам миқдорда пенсия олувчи фуқаролар сони кўпайиб боради. Бу, ўз навбатида, давлат томонидан кам миқдорда пенсия олувчи фуқароларни моддий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур чоралар кўрилишини тақозо этади. Ана шундай чора-тадбирлардан бири мамлакатимизда минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибининг амалиётга жорий этилганлигидир [22]. 2021 йил 1 июлдан бошлаб камбағалликни қисқартириш ва эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирларнинг натижадорлигини ошириш, аҳолининг камбағал қатламини аниқлаш услубини амалиётга жорий этиш мақсадида аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартиби ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда 2010-2021 йиллар давомида ёшга доир пенсияларнинг энг кам миқдори қарийб 5,8 баробарга ўсиб, 97285 сўмдан 565000 сўмга етган [23]. Бундай тенденция энг кам пенсия олувчиларнинг моддий аҳолини яхшилаш ва уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш нуқтаи назаридан ижобий ҳолатдир. Аммо, ҳозирда иш стажига тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсияларнинг энг кам миқдори ёшга доир энг кам пенсиянинг 50 фоизидан (282500) кам бўлмаслиги лозим ва бу кўрсаткич 2021 йил 1 июлдан жорий қилинган минимал истеъмол харажатлари қийматининг 64,2 фоизини ташкил этади. Бу эса ҳанузгача мамлакатимизда муносиб пенсия

миқдорларига эришишнинг аниқ меъёрлари ишлаб чиқилмаганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, пенсия миқдorigа ўртача иш ҳақи миқдorigа фаол таъсир кўрсатади. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор, яъни пенсия миқдорини ҳисоблаш учун пенсия тайинланадиган санага белгиланган пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 10 баравари миқдоридан ортиқ бўлмаган суммадаги ўртача ойлик иш ҳақининг қабул қилиниши. Хусусан, пенсия миқдорини ҳисоблашда олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг максимал чегараси белгиланган (чеклов ўрнатилган). Бундай чеклов иш ҳақи миқдорининг юқорилиги пенсия миқдорининг ҳам юқори бўлишини таъминлашга тўсқинлик қилади ва ижтимоий-иқтисодий адолат принципларига мос келмайди. Ўз навбатида, ўртача ойлик пенсия миқдорига ҳам фаол таъсир кўрсатади.

Амалиётда пенсия тайинлашда иш стажига билан боғлиқ бўлган ва унинг ижтимоий адолат принципларига мос бўлмаган айрим жиҳатлари ҳам мавжуд. Масалан, бола 3 ёшга тўлгунча болани парваришлаш таътилларида бўлиш вақти пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисобланадиган меҳнат фаолияти турларига киради. Аммо, бу муддатнинг ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 3 йил бўлиши керак. Демак, аёллар қанча вақт бола парваришлаш таътилларида бўлишидан қатъий назар, фақат 3 йили пенсия ҳисоблашда меҳнат стажига қўшилади. Масалан, 28 йил иш билан банд бўлган аёлнинг 9 йили жами 3 та болани парваришлаш таътилларида бўлган бўлса, у ҳолда унга жами 22 йил иш стажига ҳисобланади (28 йил-9 йил+3 йил=22 йил).

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистон Республикасида фуқаролар пенсия таъминоти тизимини такомиллаштиришда қуйидаги чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этади:

1. Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун халқаро тамойил ва стандартларга мувофиқ давлат томонидан кафолатланган минимал пенсиялар, бирдамлик

тамойилига асосланган ва жамғариб бориладиган пенсиялар ҳамда хусусий пенсиялардан таркиб топган уч даражали пенсия таъминоти тизимини жорий қилиш керак;

2. Аҳолининг умр кўриш даврининг узаийб бориши шароитида пенсионерлар сонининг кўпайиши ҳамда солиқ тизимининг такомиллаштирилиши натижасида Пенсия жамғармаси даромадларининг камайиши (етишмаслиги) пенсия тизимининг молиялаштирилишига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳар йили пенсия тўловларини (харажатларини) тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлаш учун Давлат бюджетидан трансфертлар ажратилиши зарур. Бу эса бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг дефицитини қоплаш асосидан унинг молиявий барқарорлиги таъминлашга хизмат қилади;

3. Мамлакатимизда белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдорида ва ундан кам пенсия олувчи шахсларнинг пенсияларини минимал истеъмол харажатларига мувофиқлаштириш мақсадида пенсия миқдорларини ошириш учун ушбу шахсларнинг пенсияларига пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи миқдоридан кўшимча тўлов жорий қилиш зарур;

4. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчиларнинг ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз

оила аъзоси учун пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи миқдорида кўшимча тўлов жорий этиш ҳамда ўқувчиларга 23 ёшга тўлгунга қадар боқувчисини йўқотганлик пенсиясининг тўланиши уларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиради.

5. Пенсионерларни ижтимоий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, пенсия таъминотида иқтисодий-ижтимоий адолат принципларини кучайтириш, пенсия миқдори ва ходимнинг меҳнат ҳиссаси ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлаш мақсадида пенсияни ҳисоб-китоб қилиш (ҳисоблаб чиқариш) учун олинадиган ўртача иш ҳақининг максимал миқдорини пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 10 бараваридан 12 бараваригача ошириш мақсадга мувофиқдир;

6. Юртимизда аёлларни янада қўллаб-қувватлаш, баркамол авлодни тарбиялашдаги юксак масъулиятини ошириш мақсадида аёлларга пенсия тайинлашда уларнинг болани парваришлаш таътилида бўлиш вақти ҳаммаси жамланганда иш стажга кўшиб ҳисобланадиган 3 йиллик даврни 6 йилга ошириш керак. Бу эса ижтимоий адолат принципларини кучайтиришга ва камбағалликни қисқартиришга хизмат қилади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Международное бюро труда. Доклад о социальной защите в мире в 2020-2022 годах: Региональный содоклад по странам Центральной и Восточной Европы и Центральной Азии. – М.: МОТ, 2021. – С. 20.
2. World Social Protection Database (База данных МОТ о социальной защите в мире) на основе информации исследования в области социального обеспечения (Social Security Inquiry); база данных ILOSTAT; национальные источники данных.
3. World Social Protection Report.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. П ҳарфи. Таҳрир ҳайъати Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. – Т.: ЎзМЭ, 2008. – Б. 50.
5. Мосейко В. Генезис пенсионных систем как проявление социальной функции государства. (<https://www.rusrand.ru/Doklad5/Moseiko.pdf>).
6. Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. – USA: Auerbach Publications, 2008. – P. 2-5.
7. Martin Kitchen. The Cambridge Illustrated History of Germany: - Cambridge University Press. 1996. – p. 352.
8. Рустамов Д.Р. Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари. Монография. – Т.: Iqtisod-moliya, 2018. – 200 б.
9. Ражабов Ш.У. Нодавлат пенсия жамғармаларини шакллантириш ва инвестицион фаолликни ошириш. Иқт. фан. бўй. фалс. докт (PhD) дисс. Автореф. – Т.: ТМИ, 2018. – 66 б.
10. Зайниддинов Ф.Ш. Пенсия тизими даромадларини ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга самарали сарфлаш йўллари. Иқт. фан. бўй. фалс. докт. (PhD) дисс. Автореф. – Т.: Iqtisod-moliya, 2020. – 60 б.
11. Ҳамдамов Ш.К. Фуқаролар ёшига доир пенсия таъминотининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш. Иқт. фан. бўй. фалс. докт. (PhD) дисс. Автореф. – Т.: Iqtisod-moliya, 2020. – 64 б.
12. <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekistonda-30-jilda-tugilishlar-soni-164-foizga-oshgan>.
13. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг статистик маълумотлари.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сон Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5837-сон Фармони.
16. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг статистик маълумотлари ва прогноз кўрсаткичлари.
17. <https://www.oecd.org/els/oecd-pensions-at-a-glance-19991363.htm>.
18. Конвенция N102 Международной организации труда «О минимальных нормах социального обеспечения». Статья 67. Приложение к разделу XI периодические выплаты типовому бенефициарию. – С. 21.
19. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари.
20. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги 938-XII-сон Қонуни, 7-модда.
21. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг статистик маълумотлари.
22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги «Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида»ги 544-сон Қарори.
23. <file:///C:/Users/User/Downloads/Pensiya%20ta'minotining%20asosiy%20ko'rsatkichlari.pdf>.